


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Е. Рахимов

201~~8~~ йил "06"



Олий ва урта махсус таълим вазирлиги

201~~8~~ йил "08"

Рўйхатга олинди: №МД – 5А120102 – 2.02
201~~8~~ йил "08"

МАТН ЛИНГВИСТИКАСИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	- Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А120102	- Лингвистика (роман-герман тиллари)

Тошкент – 201~~8~~

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Ашурова Д.У. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва адабиётшунослик” кафедраси профессори, ф.ф.д.
Галиева М.Р. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва адабиётшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Тақризчилар:

- Джумабаева Ж.Ш. – ЎзМУ, “Инглиз филологияси” кафедраси мудири, ф.ф.д.
Палуанова Х. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тилини ўқитиш методикаси I” кафедраси мудири, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ҳозирги замон дунё глобаллашуви ва интеграцияси даврида Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимининг барча босқичларида чет тилини ўқитишдан асосий мақсад – таълим олувчиларнинг кўп маданиятли дунёда илмий, ижтимоий ва касбий соҳаларда фаолият юритишлари учун чет тили коммуникатив компетенциясига эга бўлишларини таъминлашdir.

“Матн лингвистикаси” фани мутахассислик фанлари блокига киради, бироқ ушбу фан ўқитиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникумалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви оқибатида магистрантларнинг чет тили бўйича коммуникатив компетенцияларини (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий-маданий) ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, чунки бўлажак филологнинг касбий компетенцияси назарий фанлар ва асосий чет тили фани ўқитиши мажмуида шаклланади.

Ушбу дастур матнни коммуникатив, когнитив, прагматик, лингвокультурологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда комплекс, яъни ҳар тарафлама ўрганишга қаратилган. Дастур матн лингвистикасининг методологик принциплари, тамойиллари, асосий тушунчаларини, матн назарияси, матн турлари, функционал-стилистик хусусиятлари, матннинг асосий категориялари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Матн лингвистикаси фани коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби тилшуносликнинг замонавий йуналишлари билан боғлиқ олиб борилади. Ушбу замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан, матн – кўпоғонали, мураккаб характерга эга тил бирлиги, мулоқотнинг асосий бирлиги ва ижтимоий таъсир этиш асбоби сифатида талқин этилади. Матн лингвистикасида тил ва маданият муносабатлари муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, матнда тил ва маданиятнинг ўзаро акс эттирилиши масаласига катта эътибор қаратилади. Бунда ижтимоий-маданий омил ва миллий дунё тасвири алоҳида ўрин эгаллайди, чунки маданий контекстни назарда тутмаган ҳолда матн моҳиятини мукаммал тушуниб бўлмайди, баъзи ҳолларда эса бунинг иложи ҳам бўлмайди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанининг мақсади – магистрантларда матн лингвистикаси методологик принциплари, тамойиллари, базавий муаммолари ва асосий тушунчалари бўйича мутахассислик профилига мос илмий билим, кўникумка ва малакаларни

шакллантириш ва такомиллаштириш, ҳамда матн лингвистикаи соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш.

Фаннинг вазифаси – магистрантларга мулоқотнинг турли жабҳаларида ва ҳолатларида тилдан услубий жиҳатдан адекват фойдаланиш, матн лингвистикаси асосий муаммолари бўйича таянч илмий билимларни шакллантириш, ҳамда матн лингвистикаси соҳасида илмий тадқиқот олиб боришга ўргатиш. Матн лингвистикасида фойдаланиладиган анъанавий ва замонавий таҳлил методлар воситасида матнда лисоний ва маданий тузилмаларнинг ўзаро муносабатини, матнда турли хил билимлар тузилмалари ва ахборотнинг акс эттирилиши йўлларини ўрганишга қаратилган когнитив методларни амалда қўллай олишни ўргатиш, ҳамда бадиий матн асосида ётган концептуал аҳамиятга эга ахборотни, муаллиф интенцияларини (мақсад) тадқиқот асосида очиб бериш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар қўйилади. Магистрант:

- матн лингвистикаси фанининг назарий ва амалий ютуқлари; ундаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар; тадқиқотларда илмийлик ва манбаларга асосланиб фикр юритиш талаблари; матн лингвистикасининг методологик принциплар ва тамойиллар, матн назариясига турли ёндашувларни тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- ўрганилаётган фанларнинг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчаларини; матн лингвистикасининг асосий йўналишлари ва уларнинг хусусиятларини; матн категориялари: информативлик, модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини; матн турлари ва уларнинг хусусиятларини; бадиий матн ва унинг асосий категориялари **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- матнни таҳлил қилиш методларини (лингвистик шарҳлаш, суперлинеар таҳлил методи, семантик, стилистик, концептуал таҳлил, инференция методи, матн таҳлилининг статистик методлари) билиш ва уларни матн таҳлили жараёнида қўллаш; матнни назарий-прагматик, лингвокультурологик, стилистик жиҳатларини таҳлил қилиш; эгаллаган билимларни ўз илмий тадқиқот амалиётида қўллаш **кўникмалари эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Матн лингвистикаси фанига кириш

Матн лингвистикаси тўғрисида умумий маълумотлар. Фаннинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи. Матн лингвистикасининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Матн тушунчаси. Матннинг асосий хусусиятлари. Матнга турли ёндашувлар ва матн лингвистикатикасининг етакчи концепциялари. Матннинг умумий назарияси.

2-мавзу. Матн лингвистикасининг турли йўналишлари

Матннинг умумий назарияси йўналиши. Матн грамматикаси ва унинг тадқиқот обьектлари ва вазифалари. Матн семантикаси ва унинг тадқиқот муаммолари. Матн стилистикаси. Матн стилистикасининг асосий муаммолари. Когнитив услуб. Стилистик воситаларнинг концептуал аҳамияти. Композицион структура. Муаллифнинг идиостили тушунчаси.

3-мавзу. Матн типологияси

Матн типологиясига турли ёндашувлар. Матн типологиясининг критериялари. Матнга функционал-стилистик ёндашув. Матн турлари ва жанрлари. Матн гетерогенлиги.

4-мавзу. Матн ва унинг асосий категориялари

Матн категориялари ҳакида тушунча. Матн категорияларининг классификацияси. Матн категориялари: модаллик категориялари, матн яхлитлиги ва тугалланганлиги категориялари, матнда ўрин-пайт категорияларини. Информативлик категорияси ва унинг турлари.

5-мавзу. Бадиий матн ва унинг асосий категориялари

Эмотивлик категорияси ва унинг матнда ифодаланиш йўллари. Образлийлик категорияси ва унинг матнда ифодаланиш йўллари. Имплицитлик категорияси ва унинг матнда ифодаланиш йўллари. Интертекстуаллик категорияси ва унинг матнда ифодаланиш йўллари. Прецедент матн тушунчаси. Интертекст тушунчаси. Интертекстуалликни матнда ифодаловчи тил бирликлари ва стилистик воситалар: аллюзия, антономазия, цитата, эпиграф. Аллюзия турлари.

6-мавзу. Матн лингвистикаси ва коммуникатив тилшунослик

Матннинг коммуникатив моҳияти. Адресат ва адресант факторлари. Матн мулоқотнинг асосий ва энг мураккаб бирлиги сифатида. Коммуникатив мақсад ва интенциялари. Матнни қабул қилиш ва интерпретацияси. Дискурс тушунчаси. Текстуал коммуникацияси нигоҳида Г.Грайснинг коммуникатив қонунлари.

7-мавзу. Матн лингвистикаси лингвопрагматик жиҳатлари

Матн прагматикаси. Матнга прагматик ёндашув. Прагматик интенция тушунчаси. Прагматик интенция турлари. Бадий матнда прагматик вазифалар турлари: "дикқатни жалб этиш" вазифаси, "қизиқиши уйфатиш" вазифаси, "эмоционал таъсир қўрсатиш" вазифаси, "билимлар тузилмасини актуаллаштириш" вазифаси, "концептуал дунёқарашни акс эттириш" вазифаси. Матн таъсир ва тушунишнинг прагматик эффективлиги.

8-мавзу. Матн лингвистикасининг когнитив аспекти

Таянч тушунчалар: билимлар тузилмалари, концептуализация, концептуал тизимлар, когнитив модель, категориялаштириш, фрейм, концепт, концептуал ва лисоний дунё тасвири тушунчалари. Матнда ахборотни тақсимлаш когнитив принциплари. “Ахборотни илгари суриш” когнитив принципи ва унинг турлари. Матннинг концептуал аҳамияти.

9-мавзу. Матн лингвистикасининг лингвомаданий аспекти

Лингвокультуре мағолотлари, маданий концепт, маданий коннотация, маданий семалар, миллий дунё тасвири тушунчалари. Маданий концепт тушунчаси ва унинг бадий матндаги концептуал аҳамияти. Сарлавҳанинг матннинг концептуал дунё тасвирини намоён этишдаги аҳамияти. Маданий концептларнинг матнда вербаллашуви.

10-мавзу. Матн таҳлили методлари

Лингвистик шархлаш (контекстуал маънолар таҳлили, денотатив ва коннотатив маънолар бирикиши таҳлили, матн бирликларини, уларнинг луғатдаги маънолари билан солишиши). Суперлинеар таҳлил методи (матнда имплицит маълумот сигналларини аниқлаш). Стилистик эксперимент методи (синонимлар танлаш, матнни торайтириш ва кенгайтириш, перифраз, гапда компрессиядан фойдаланиш, матнда аранжировканинг турли кўринишлари). Концептуал таҳлил (одам когнициясининг юзаки тил тузилмалари билан алоқасини ўрганишни

назарда тутади). Инференция методи (семантик концептуализация жараёнида хуросавий маъноларни олиш). Матн таҳлилининг статистик методлари. Матнда фрейм таҳлили. Матнда кросс-маданий таҳлил

IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

- Матн лингвистикаси фанининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи
- Матн лингвистикаси фанининг асосий тушунчалари
- Матн лингвистикасининг турли йўналишлари (матн назарияси, матн грамматикаси, матн семантикаси, матн стилистикаси)
- Матн тушунчаси
- Матн типологияси ва матн турлари
- Матн ва унинг асосий категориялари (информативлик, модаллик, интертекстуаллик ва хк.)
- Бадиий матн ва унинг асосий категориялари (эмотивлик, образлилик, имплицитлик)
- Матн лингвистикаси ва коммуникатив тилшунослик
- Матннинг коммуникатив моҳияти
- Матн ва дискурс
- Матн лингвистикаси ва лингвопрагматика
- Матнда прагматик интенциялар турлари
- Матн лингвистикаси ва когнитив тилшунослик
- Матнда ахборотни тақсимлаш тамойиллари
- Матн лингвистикаси ва лингвомаданиятшунослик
- Матн таҳлили методлари

Амалий машғулотларда мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда семинар гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Унда талабалар матн лингвистикаси фани бўйича маърузада олган билим ва кўникмаларини турли матнларни амалий, назарий-прагматик, амалий масалалар ва машқлар, таҳлил методларни амалда қўллаш, тақдимотлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар, баҳс-мунозаралар, гуруҳ музокараларини ўтказиш ва бошқалар тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

- Дискурс таҳлили: асосий ёндашувлар ва услублар
- Матнлар типологияси муаммолари
- Матн категориялари
- Матн информативлиги ва модаллиги
- Матн муаллифининг индивидуал дунё тасвири
- Матннинг бўлиниши, унинг композицион бўлаклари
- Бадиий матннинг асосий хусусиятлари.
- Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти материали асосида бадиий матннинг ҳар тарафлама стилистик таҳлили ва талқини
- Матнда тил воситаларининг стилистик ва прагматик функциялари
- Бадиий матнни қабул қилиш муаммолари
- Матнда ахборотни тақсимлаш когнитив принциплари
- Прагматик интенция тушунчаси. Прагматик интенция турлари

Талабаларнинг мустақил иши дастурнинг асосий бўлимлари асосида режалаштирилади ва қуйидаги иш турларини назарда тутади:

- амалий тил материалини йифиш, карточкилар тузиш, бадиий матнлар танлаш, матн лингвистикасининг назарий ва амалий муаммолари бўйича тестлар тузиш;
- маълум бир бадиий матнни эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб таҳлил қилиш ва презентация қилиш;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ва мавзуларини ўрганиш ва устида ишлаш;
- лекцион курснинг маълум бир қисмлари бўйича презентациялар ва маъруза фрагментларини тайёрлаш;
- танланган мавзу бўйича рефератлар ёзиш;
- матн лингвистикаси бўйича семинар машғулотлари учун услубий ишланмалар тузиш;
- ўрганилаётган чет тили адабиёти материали асосида бадиий матн стилистик таҳлили ва талқини намуналарини йифиш;
- матн лингвистикасининг асосий муаммолари бўйича илмий тадқикот олиб бориш.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари¹

Асосий адабиётлар

Инглиз тили

1. Ashurova D.U., Galieva M.R. Text Linguistics. – Tashkent: Turon-Iqbol, 2016
2. Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of Literary Text. – Tashkent: Turon-Iqbol, 2016
3. Gee J.P. An Introduction to Discourse Analysis. Theory and Method. London – New-York: Routledge, 2011

Испан тили

1. Enrique Bernárdez. Introducción a la lingüística del texto. Madrid, 2009.
2. Proyecto Educación adultos. Bloque . Buenos Aires 2002

Немис тили

1. Brinker K. Linguistische Textanalyse. Eine Einführung in Grundbegriffe und Methoden. Berlin. 2014.
2. Janich N (Hrsg). Textlinguistik. 15 Einführungen. Tübingen. 2008.

Француз тили

1. Professeur: Jean-Emmanuel LE BRAY . Linguistique Textuelle et Didactique de l’Ecrit. Master Sciences du Langage spécialité FLE – 1 Ère année. code formation8 1053 TG PA 00 05 339/351 . Paris 2015.
2. Bernard FALLERY. Quatre approches pour l’analyse de données textuelles : lexicale, linguistique, cognitive, thématique. Professeur Université Montpellier 2 CREGOR Montpellier-Management Place Eugène Bataillon, 34000 Montpellier. Tel : (33) (0)4 67 14 42 21 ; Fax (33) (0)4 67 14 41 20. bernard.fallery@univ-montp2.fr
3. Florence RODHAIN. Quatre approches pour l’analyse de données textuelles : lexicale, linguistique, cognitive, thématique. Maître de Conférences Université Montpellier 2 CEROM Montpellier-Management . 23000 Avenue des Moulins, 3185 Montpellier Tel : (33) (0)4 67 10 28 20 ; Fax (33) (0)4 67 45 13 58 rodhain@polytech.univ-montp2.fr

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.

¹ Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда келтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.

Инглиз тили

1. Каменская О.П. Текст и коммуникация. –М., 1990
2. Филиппов К.А. Лингвистика текста. Курс лекций. – Петербург, 2003
3. Чернявская В.Е. Лингвистика текста: поликодовость, интертекстуальность, интердискурсивность. –М.: ЛИБРОКОМ, 2009
4. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М.: Наука, 1982
5. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. – М.: Просвещение, 1988.
6. Долинин К.А. Интерпретация текста. –М.: Просвещение, 1985.
7. Карасик В. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. –М.: Гнозис, 2004
8. Москальская О.И. Грамматика текста. –М.: Наука. Высшая школа, 1981
9. Тураева З.Я. Лингвистика текста. – М.: Просвещение, 1986

Француз тили

1. Combettes, Bernard . Linguistique textuelle et diachronie . Université de Lorraine & ATILF bernard.combettes@univ-nancy2.fr. © aux auteurs, publié par EDP Sciences, 2012
2. Irina Kor Chahine. Linguistique du texte: les rapports "Grammaire Texte" en russe moderne. Les rapports "Grammaire Texte" en russe moderne. Linguistique. Université de Provence - Aix-Marseille I, 2009.
3. Shirley Carter-Thomas. Texte et contexte : pour une approche fonctionnelle et empirique . Maître de conférences à Télécom et Management SudParis (TMSP). Université Sorbonne Nouvelle - Paris 3 2009.
4. Garde-Tamine « La stylistique ». Armand Colin, Paris, 1992.
5. Molinié G., Le français moderne. Paris, 1991.

Немис тили

1. Stede M. Korpusgestützte Textanalyse. Grundzüge der Ebenen orientierten Textlinguistik. Tübingen. 2007.
2. Eugenio Coseriu. Textlinguistik. Eine Einführung. Tübingen. 1994.

Испан тили

1. Beaugrande, R. de y Dressler, W. (1981). Introducción a la lingüística del texto. Barcelona: Ariel, 1997.
2. Angela Schrott Manual de la lingüística del texto. Catedra. Española 2016 й.

- 3.Долинин К.А. Интерпретация текста. М., 1988.
- 4.Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. М., Наука, 1984. Ю.Кухаренко В.А. Интерпретация текста. М., 1988.
5. Азнаурова Э.С. Прагматика слова. Ташкент, 1986.
- 6.Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М., 1982.

Интернет сайтлари

1. www.ac./semiotic/lkf_met.html
2. www.edumarket.ru
3. <http://www.beaugrande.com/IntroFive.htm>
4. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
5. <http://www.daf.uni-mainz.de/Bibliographien/bibtext.htm>
6. <http://lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik>
7. <http://pups.paris-sorbonne.fr>
8. <http://www.Librairieharmattan.com>
9. www.semantica-y-lexicologiyia-de-la-lengua-espanola
10. www.catalunyaonline.com
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz
13. <https://cvc.cervantes.es/>
14. <http://www.lavanguardia.com/opinion/20171016/432111969693/pragmatica-de-la-lengua.html>

